

Миллий ўзликни англаш, ғурур ва ифтихор туйғуларининг миллатлааро тотувликни такомиллаштиришдаги роли

Каримова Садоқат Тохировна

ЎзМу тадқиқотчиси

Ўзбек халқининг ижтимоий–маънавий қиёфасини ўрганишда ва ривожлантиришда миллий ўзига хослиги, маънавий хусусиятларга суянган ҳолда иш кўрилиши мақсадга мувофиқ. Шунинг учун ҳам ўзбек халқининг ижтимоий–маънавий қиёфаси миллий ўзликни англаш, ғурур ва ифтихор туйғулари билан қиёслаганда яққол намоён бўлади. Дарҳақиқат, миллат ижтимоий–маънавий қиёфаси ўзагини миллий ўзликни англаш ташкил этади. Бирок, у ўзининг мураккаб маъно–мазмуни билан алоҳида ажралиб туради. Чунки унинг ўзагини ташкил этувчи миллий ва ўзликни англаш тушунчалари позитив ва негатив ҳолатлар билан ҳам характерланади. Бунда миллийлик ижтимоий–фалсафий нуқтаи–назардан қараганда муайян бир миллат, элатнинг тили, жойлашган ҳудуди, ижтимоий–маданий ҳаёти, дунёқараш тузилмасини ўзида акс эттирган мураккаб воқелик сифатида намоён бўлади. Ўзликни англаш эса шу миллийликни тарқибий қисми эканлигини ҳис этиш билан белгиланади.

Истиклол шарофати билан миллий ўзликни англашга ҳам кенг имкониятлар яратилди. Яъни, инсон маънавияти, юксак одоб–ахлоқ ва миллий маданиятнинг қудратли қатламлари очишга кенг имкониятлар очилди. Оқибатда эса маънавий жиҳатдан гўзал ва бой миллий урф–одатлар ва анъаналар тикланди, халқимизнинг ўз тарихига бўлган онги ижобий тарафга ўзгарди.


Миллий ўзликни англаш фақат аждодларимиздан қолган мерос билан фахрланиш, уларни ўзлаштириш билан чегараланмайди, балки, у турмушимизга шиддат билан кириб келаётган салбий ҳолатларнинг олдини олишни ҳам қамраб олади. Шу учун ҳам миллий ўзликни англашнинг бош йўналиши маънавий кадриятлар, илм–фан, техника соҳасидаги ютуқлар билан умуминсоний кадриятлар тизимига муносиб ҳисса қўшишга эришиш билан белгиланади.

Ўз тадқиқотлари натижасида Ж.Баҳранов «Миллий ўзликни англаш этногенез билан чамбарчас боғлиқ. Этногенезни билмасдан туриб, миллий ўзликни англашнинг хусусиятларини идрок этиб бўлмайди»¹ деган хулосага келади. Ўзининг бу фикри билан муаллиф миллий ўзликни англаш ҳар бир миллатнинг этноси билан боғлиқ эканлигини исботламоқчи бўлади. Шунингдек, у шахс миллий ўзлигини англаши масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Муаллиф фикрича, «Шахснинг миллий ўзлигини англаши деганда, аввало, муайян миллатга (этник бирликка) мансубликни, мазкур миллатнинг инсоният тараққиётидаги тарихий ўрнини билиш, миллий кадриятларга садоқат, ўз миллати (этноси) нинг ҳозирги кундаги эҳтиёжлари ва манфаатларини англаши, унинг келгусидаги ривожланиш йўлларини билиши ҳамда шу мақсадда виждонан хизмат қилиши тушунилади»².

Ҳақиқатдан ҳам миллий ўзликни англаш этнологик омиллар билан белгиланади. Бирок, у маънавий–маданий сифат ўзгаришлари асосида янада сайқалланиб боради.

¹ Баҳранов Ж. Шахс миллий ўзлигини англаш қонуниятлари. – Самарқанд: Зарафшон, 1995. – Б. 55.

² Баҳранов Ж. Проблемы национального самосознания личности в государственной политике независимого Узбекистана: Автореф. дис. ... д–ра полит. наук.–Тошкент: 1997. – С.39.



Шунингдек, миллийлик, миллий ғурур, миллий онг, миллий ифтихор туйғусидан фахрланиш, ўз миллати бой тарихидан, маънавий–маърифий меросидан, унинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасидан ғурурланиш салоҳияти ҳам миллий ўзликни англашда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу жараёнда асосий ҳаракатлантирувчи куч миллий ғурур зиммасига тушади ва у ўзликни англаш ҳамда ўзликни асрашга хизмат қилади. Халқимиздаги миллатга мансублик хислати тириклик ва мавжудлик билан боғланиб кетган ва у инсонларимизнинг қон–қонига, тани–жонига сингиб кетган ҳамда маънавият ва маърифатнинг асосий мазмунини ташкил этади.

С.Отамуродовнинг докторлик диссертациясида миллий ўзликни англашнинг ўзига хос хусусияти, фалсафий мазмун–моҳияти ҳамда миллатнинг муҳим белгиси сифатидаги аҳамияти ўзига хос тарзда таҳлил этилганлиги билан характерлидир. Ўз тадқиқотларига таянган ҳолда муаллиф миллатнинг миллий ўзлигини англашнинг «...муайян моддий ва маънавий кадриятларнинг ташувчи сифатида тасдиқлаши, тилга, маданият, урф–одат, анъаналар ва кадриятларга мансублигини тушуниб етиши»³, – деб талқин қилади. Шунингдек, миллий ўзликни англаш масаласи муаллифнинг кейинги ишларида ҳам изчил ривожлантириб борилганини кузатиш мумкин. Жумладан, муаллиф кейин чиққан асарида миллий ўзликни англаш тушунчасига қуйидагича тасниф беради: «Ҳар бир миллат (элат) нинг ўзини реал мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларни ифодаловчи, ягона тил, урф–одатлар, анъаналар, кадриятлар ва давлатга мансублиги, манфаатлар ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етиши миллий ўзликни англаш дейилади»⁴. Мазкур фикрдан маълум бўладики, миллий ўзликни англаш жараёни шунчаки орзу–истак билан амалга ошмайди. Шунингдек, бунинг учун мустақилликка эришишнинг ўзи ҳам кифоя қилмайди. Яъни, миллат миллий ўзликни англаши учун маънавий кадриятларни қайта тиклаши, унинг имкониятлари ва афзалликларидан самарали фойдаланиши, маънавий–маърифий соҳадаги муаммоларни ҳал этиб бориши талаб қилинади. Зотан, ўзини танимаган, яъни ўзлигини англамаган, ўз қадр–қимматига етмаган, ўз миллий, маънавий қиёфасига эга бўлмаган кишини ҳам, халқни ҳам ҳеч ким тан олмайди. Бинобарин, инсоннинг фикран мустақиллиги, юртнинг истиқлоли ҳам айнан шу ўзликни англашдан бошланади. Ўзлигини англаш, яъни ўзини таниш, аввало фикрлашдан, ижодий мустақил фикрлашдан бошланади. Бунда объектив асосга эга бўлган тарихий билимнинг ўрни беқиёс аҳамият касб этади.


Зеро, «Миллий ўзликни англаш этногенездаги тарихий–маданий тараққиёт билан бирга шаклланади. Тарихий–маданий ўзак(ядро)нинг қарор топиши билан халқ, миллат ўзининг борлиқдаги, тўғрироғи, дунё жараёнларидаги ўрнини аниқ ҳис этади. Бу миллий ўзликни англашнинг муҳим белгисидир»⁵.

Истиқлол шарофати билан мамлакатимиз кейинги йиллар мобайнида ҳар жиҳатдан ривожланиш босқичида бўлиб, ўзининг азалий ҳаёт турмуш тарзи, маданий–маърифий қиёфаси, асрлар оша барҳаёт келган миллий анъаналарини ўзида намоён этиб бормоқда. Бу ўринда анъана, кадриятлар, удумлар ва урф одатлар каби тушунчалар оддий халқ ҳаётида намоён бўлиб, уларнинг мақсад, муддаоларининг сифат, белгиларини ифода этмоқда. Яъни, ҳозирги кунда бизнинг олдимизда шундай имкониятлар мавжудки, ўз тарихий босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаш, миллий

³ Атамуратов С.А. Национальная культура и национальное самосознание в процессе обновления общества (социально–философский аспект): Автореф. дис. ... док. филос. наук. –Ташкент: 1992. –308 с.

⁴ Атамуродов С. Глобаллашув ва миллат (сиёсий–фалсафий таҳлил). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – Б.116

⁵ Қаранг: Қўчқоров В. Миллий ўзликни англаш ва ижтимоий–сиёсий жараёнлар (сиёсий–фалсафий таҳлил). – Тошкент: Академия, 2007. – Б. 154.



давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қуришда тадбиқ этишимиз керак бўлади.

«Тарих хотираси халқнинг, жонажон ўлқанинг, давлатимиз худудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш, миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутади»⁶.

«Салкам бир ярим аср давомида социализм–коммунизм ғояларининг асосчилари ва уларнинг мухлислари ўз назариялари ҳаққоний ва беками–қўст эканлигига инсониятни ишонтиришга уриндилар»⁷. Миллат ижтимоий–маънавий қиёфасининг муҳим элементи тил ҳисобланади. Айни шу маънода, ҳозирга келиб ўзбек тилининг софлигини сақлаш, миллий ўзликни англаш жараёнига, унинг изчиллигига, қолаверса миллат ижтимоий–маънавий қиёфасини янада юксалишига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Юқоридаги фикрлар моҳиятидан келиб чиқилса, миллатни тилидан айириш уни маънавиятидан айириш билан баробар эканини англаб етиш мумкин. Зеро, бундай вазиятда миллий тилидан айрилган халқ биринчидан, ўз она тилида сўзлашишдан узоқлашади. Бу эса халқнинг маънавий таназулга юз тутишига олиб келади. Иккинчидан, миллий тил ўз софлигини йўқотиб боради, унинг функциялари доирасининг торайиши натижасида мавқеи тушиб кетади. Оқибатда эса миллатнинг мавжудлигини белгиловчи асосий маънавий–маърифий омил ҳисобланган миллий тил «ўлик» ҳолатга тушиб қолади. Миллий тил миллатни маънавий жиҳатдан бирлаштириш воситаси ҳисобланади. Тилнинг ушбу хусусияти унинг миллатнинг турмуш ва тафаккур тарзи, маданий тажрибани, тараққиёт йўлини ифодалаши билан белгиланади. Шу маънода Қ.Хоназаров «Миллий тил ягона шу маънодаги, унинг луғат таркиби, сўз бойлиги, инсон онгининг турли қирралари, инсон ҳиссиётларининг турли жиллоларини баён этишда бетакрор эканлигини ички муҳитида яшаб сезасиз»⁸,–деб ёзади.

Бироқ, ватанпарварлик туйғуси ҳаммадан бирдек кузатилмайди. Шунинг учун ҳам «Ватанпарварлик ҳисси даражаси айрим ўзбекларда миллий мустақиллик талаблари даражасида деб бўлмайди. Ўзбек маданияти, унинг маънавиятини сақлаш, асраш, ривожлантириш масъулияти шу республикада миллат бўлиб яшаётган одамлар зиммасида эканини ҳамма ҳам англаб етган эмас. Янги техника ва технологияни эгаллаш, илм–фан фидойиси бўлиш, тадбиркорлик сифатларини ўзида тарбиялаш, миллий тил ва маданиятни қадрлаш, ҳарбий санъатни эгаллаш учун кураш мана шулар ҳаммаси ватанпарварликнинг амалда намоён бўлишидир»⁹ деб ёзади. Демак, тил миллий ғурур ва ифтихорни шакллантириш орқали ҳар бир миллат (элат)ни ўз–ўзини англаш жараёнида ҳам иштирок этувчи муҳим омил ҳисобланади.


Маънавиятнинг энг олий белгиси ҳам ватанпарварликдир. Миллий ғоянинг энг асосий мақсади, вазифаси ҳам, энг олий қадрият ҳам ватанпарварликдир. Ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, халқимиз онгида миллий ғурур ва ифтихор, истиқлол ва Ватанга садоқат туйғуларини кучайтириш йўлида маърифатпарварлик ғояларидан самарали фойдаланиш беқиёс аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан ҳам, маърифатнинг асосий йўналиши ҳам ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдир.

⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. // Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6–жилд.–Тошкент: Ўзбекистон, 1998.– Б. 127

⁷ Хоназаров Қ. Глобаллашув ва тил фалсафаси. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. –Б. 9.

⁸ Гельдиева А.Ч. Национальная культура и личность –Тошкент: Ўзбекистон, 1993. – С. 95.

⁹ Каримов Иброҳим. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт.– Тошкент: Фан, 2001. – Б. 89–90.



Зеро, ҳар қандай илм халқ, миллат манфаати, мамлакат равнақи йўлида хизмат қилмоғи лозим. Бундай илмни тарқатувчи субъект фидойи инсон ҳисобланади. Ўтиш даврида ёки ҳозирги глобаллашув шаротида бундай инсонларга бўлган эҳтиёж катта. Айни шу маънода, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов «Айниқса, барча даврларда ҳам ғоят мураккаб ва масъулиятли бўлган бу ишларни ўз зиммасига олган, эски қолиплардан воз кечиб, бу соҳада янги йўللари очиб бераётган, одамларнинг дунёқарашини янада бойитиш учун тинимсиз меҳнат қилаётган фидойи инсонларнинг бир қарашда кўзга ташланмайдиган, лекин катта қунт, билим ва тажрибани талаб қиладиган интилиш ва амалий ҳаракатларини кенг қўллаб–қувватлашимиз, уларнинг самарали натижаларга эришиши учун ҳар томонлама шароит яратиб беришимиз лозим»¹⁰ деб ёзади.


Бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги қийинчиликлар, тўсиқлар, номутаносибликлар, ҳатто жиноий ҳаракатларнинг ошиб бориши ҳам соф виждонли киши қалбида Ватан туйғусини, агар у чуқур эътиқодга айланган бўлса, ўчиролмади. Аммо, ранг–баранг мақсадлар ва манфаатларга эга ижтимоий гуруҳлар мавжуд экан, умуммақсадни турлича, гоҳо бир–бирига зид тарзда идрок этиш ҳам сақланиб қолади. Ҳеч қачон ва ҳеч қаерда мутлақ идеал кўринишдаги давлат ҳам, тузум ҳам бўлмаган. Янги – янги авлодларнинг туғилиши ҳаёт сахнасига чиқиши жамият олдига янги–янги муаммоларни қўндаланг қўяверади; айнан ушбу узлуксизлик, тадрижийлик ижтимоий ҳаётнинг ҳам узлуксиз, тадрижий давом этишини таъминлайди. Демак, ўтиш даври авлодларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш билан бу борадаги вазифалар тўла–тўқис бажарилмайди, балки у янги маърифатпарварлик босқичдаги янги вазифалар учун пойдевордир. Шунинг учун ҳам халқимиз хусусан ёш авлод қалби ва онгига истиқлол ғояларини, миллий ғурур ва ифтихор, ватанпарварлик туйғуларини янада чуқурроқ сингдириш мақсадида кўплаб маърифат масканлари барпо этилмоқда. Эндиликда эса, уларнинг ижтимоий–маънавий вазифасини, бу масканларда олиб бориладиган тадбирларнинг маънавий–ахлоқий йўналиш дастурларини ишлаб чиқиш ва аниқ бир тизимга солиш, уларни келажак авлод учун қадрият даражасига кўтариш ҳам муҳим вазифалар сирасига киради. Чунки, ушбу мажмуалар миллат маънавий тараққиёти учун туртки беради.

Инсоннинг ватанга бўлган муҳаббати эса муайян майдонда халқнинг моддий бойликларини яратиши, маънавий – ахлоқий камолотга эришиши, илм– фанни ривожлантириши, ўзига хос мустақил турмуш тарзи, маданияти, урф–одатлари, тили, дини, миллий чегара ва армияси, худуди, табиий бойликлари, миллий давлатчилигини сақлаши, авайлаб асраши, янада ривожлантириш борасидаги тарихий хатти – ҳаракатларини чуқур ўрганиши, унга садоқатли бўлиши, ҳозирги ва келажак авлод учун яшаши, меҳнат қилиши, фидойилик, жонбозлик кўрсатишида намоён бўлади.

Бироқ, миллий ғоя, унинг ажралмас таркибий қисми бўлган ватанпарварлик тушунчаси кишилар онгига зўрлаб тикиштириладиган ғоя эмас. Унинг замирида миллий хусусиятларимиз ва умумбашарий қадриятларимиз, буюк тарихимиз ётибди. Демакки, бу қарашлар бизнинг қон – қонимизда, фақат уни юзага чиқариш керак, холос. Бу ғояларни ёшларимиз, халқимиз онгига етказишда таълим ва тарбия, илм – фан, маданий– маърифий, адабиёт ва санъат, диний, жисмоний тарбия муассасалари, қолаверса, маҳалла аҳли, ҳар бир оиланинг шу мафкура теварагидаги жипслиги ва фаоллиги талаб этилади.

Зотан, буларсиз миллий қадриятларни янада юқори босқичга кўтармасдан туриб, янги жамиятни, янги ижтимоий–тарихий муносабатларни ва янги дунёқарашни барпо этиш мумкин эмаслиги аён бўлди. Шунинг учун ҳам «Мустақиллигимизнинг дастлабки

¹⁰ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 129.



кунлариданоқ, – деб ёзади Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов, – аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди. Ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишидан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз»¹¹.

Инсон эркин, мустақил, баркамол бўлиши учун дунёни, ўзини ҳис қила билиши, идрок этиши, тушуниши, унинг қонунларини ўрганиши, ўзини шу дунёнинг бир қисми эканлигини ва унда тутган ўрнини англаб етиши керак. Мана шунда ҳалол меҳнат қилади, маънавий жиҳатдан пок бўлади. Шунда инсон озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга ўз ҳиссасини қўшади, бунга ўзини маъсул деб билади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Ўз давлати билан фахрланиш ва фуқароларнинг ватанпарварлиги жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг илғор марраларга чиқиб олишига ёрдам берган»¹². Демак, одамлар қалбидаги миллий ғурур уларнинг она заминга, Ватанга меҳр–муҳаббат туйғулари камол топишига таъсир кўрсатувчи катта маънавий куч ҳисобланади.

Миллий ғурурни англамаслик натижасида ёки уни онгли тарзда инкор қилиш, назар–писандга илмаслик, муҳим масала эмас деб қарашлик охир–оқибат ғоявий талваса, беқарорлик, тайинсизлик, иккиланишларга олиб боради. Миллий ғурур миллатнинг ўтмиши, бугуни ва келажagini, туб манфаатларини аниқлаб берадиган буюк туйғудир. Шу туйғу асосида онгли миллат вакиллари ҳеч иккиланмай ўзини ўтга ҳам, сувга ҳам ташлаш учун тайёр бўлишлари зарур.


Миллий ғурур ҳар миллатнинг тарихий хотираси асосида шаклланган, яъни у аждодлардан авлодларга қолган моддий ва маънавий мероснинг бошқалар олдида нечоғлиқ улкан ва аҳамият касб этишини англашдан келиб чиқади. Шунингдек, миллий ғурур кишида ўз миллатидан фахрланиш туйғусини пайдо қилади, аждодларидан, уларнинг буюк хизматларидан ғурурланиш ҳиссини уйғотади. Шу сабабли ҳам миллий ғурур ҳар бир миллат вакилининг ижтимоий–маънавий қиёфасини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам ўзбек миллат ўз миллий ғурурини тиклаш борасида муайян ютуқларни қўлга киритди. Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов қуйидагича ёзади: «Бунинг исботини маънавий юксалиш, халқимизга хос азалий кадриятларни тиклашда, шу билан бирга, демократик муносабатлар ва эркин бозор принципларини жорий қилишда, одамларимизнинг дунёқараши ва тафаккурида изланиш, ишбилармонлик ва тадбиркорлик, ўз кучига, ўз ақл–заковати, билим ва тажрибасига суяниб яшаш каби фазилатлар, эртанги кунга бўлган ишонч туйғусининг тобора кучайиб бораётганида кузатишимиз мумкин»¹³. Зеро, миллий ғурури тоза ва юксак бўлган, жисмонан ва ақлан мустаҳкам, комил шахс, миллат вакили давлат бошқарув ишларига жалб этилиши, замон талабидир.

Миллий давлатимиз имкониятларини, унинг бошқа давлатлар билан бўлган турли алоқалар муносабатларида ҳам миллий манфаатимизга мос бўлишини ҳеч қачон эсдан чиқариб бўлмайди. Айрим чет мамлакатлар тарихидан маълумки, ташқи кўриниши, гапирётган фикрлари, нутқлари, шахсий ҳужжатлари миллий республика номланиши билан аталсада, қилиб юрган ишлари, ички туйғуси, шахсий манфаати, хулқ–атвори тор

¹¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б.137.

¹² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, – Б. 49.

¹³ Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак.10 –жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б. 173.



манфаатлар доирасида чекланиб қолган. Натижада унга ишониб топширилган муҳим давлат манфаатини ҳимоя қилиш иши оқсоқланади, ёки инқирозга учрайди. Биз бугун ўзбек халқини тарихий хотирамизга таяниб улуғ халқ деб дунёга тараннум этишимиз ва аслида ҳам шундай. Умуман, жаҳонда ўзини улуғ санамайдиган бирорта миллат топилмаса керак. Чунки ҳар бир халқнинг ўз тарихи, ўтмиши бор. Сўнгги йилларда фикримизнинг исботи сифатида улуғ аждодларимизнинг миллий ва маънавий меросини ўрганишга оид тадқиқотлар ўтказиш, қўхна ва навқирон шаҳарларимизни яна бир бор дунёга танитиш учун турли анжуманлар ташкил этиб келинмоқда. Бу каби тадбирлардан кўзланган мақсадлар, аждодларимизнинг қанчалар буюк шахслар бўлганликларини, илм–фаннинг турли соҳалари орқали жаҳон илм–фани тараққиётига беқиёс ҳисса қўшганликларини, минтақамиз жаҳоннинг цивилизациясини йирик қадимий ўчоқларидан бири эканини олам аҳлига билдириш эди. Шунингдек бу боболаримизнинг ғайрат–шижоати, юксак ақл–заковати, тадбиркорлик ва элпарварликлари билан халқимизга, айниқса ўсиб келаётган ёш авлодга ҳамиша ибрат намунаси бўлиб қолади. Шу маънода, элим деб, юртим деб, келажагини ўйлаб заҳмат чеккан, Ватанимиз озодлиги йўлида курашган, миллатимиз равнақи учун умрини бағишлаган, ўзидан обод шаҳару воҳалар, бетакрор гўзал ёдгорликлар қолдирган аждодларимиз меҳнатини юзага чиқариш, уларни кадрлаш, руҳи покларини шод қилиш, эзгу ишларини давом эттириш биз учун, бугунги авлоднинг зиммасидаги энг катта вазифасидир.

Миллий ғурурнинг тикланишида мустақилликнинг аҳамияти беқиёсдир. Мустақиллик кишиларда миллий ғурурни ошириб, уни халқ, Ватан, аждодлар хотираси олдида масъулиятини ҳис қилишдек мазмун билан бойитмоқда. Бундай шароитда Ватанимиз мустақиллигидан фахрланиш, мамлакатимизда озод, эркин, фаровон ҳаёт ҳаёт қуриш йўлида ҳалол меҳнат қилиш, жаҳон ҳамжамияти олдидаги ютуқлар, универсал технологиялардан фойдаланиш миллий ғурурни оширадиган омиллардир. Бу эса ўз навбатида, юртдошларимизнинг кучи, салоҳияти, бунёдкорлик фаолиятини кўп жиҳатдан белгилайди, уларни ўзларида соғлом миллий ғурур туйғусини шакллантириш учун тинмай изланишга сафарбар этади.


А.Ачилдиев «Худуднинг, ижтимоий–иқтисодий ва маданий алоқаларнинг умумийлиги билан боғланган миллат вакиллариининг ўзларининг ягона ва бир бутунлиги ҳақидаги тасаввурлари тизими миллий ўзликни англашдир»¹⁴ деган эди. Бу туйғу ёшларни ўз кучи, қобилияти ва исдеъодларини миллий ва умуминсоний мафаатлар йўлида сафарбар қилишга чақиритиши билан ҳам характерлидир.

Ўзбек халқининг юксак миллий кадр–қиммати, ор–номуси ва шон–шарафи унинг ўта меҳрибонлиги ва соф виждонига асослангандир. Жумладан, ўзбеклар диёнат, ор–номус, шарм–ҳаёни ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида муҳим фазилат деб қабул қилишган. Шундай хислатларга эгаки, баъзан бу фақат «ўзбекона фазилат» деб юритилади.

Жаҳон цивилизациясининг бешикларидан бири, турли маданиятлар туташган фусункор Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалининг ўтказилиши анъанага айланиб қолди. Бу мусиқа анжумани халқаро майдонда эътибор қозониб, йилдан–йилга нафақат Шарқ, балки Ғарб дунёсидаги кўплаб санъат намоёндаларини ҳам ўзига жалб этаётгани унинг қисқа муддат ичида ажойиб анъана ва катта нуфузга эга бўлиб бораётганидан далолат беради.

Мамлакатимизда илк ислохотлар ҳам комил инсонни тарбиялаш, келажагимизнинг муносиб ворисларини вояга етказишга қаратилган эди.

¹⁴Ачилдиев А.С. Проблемы взаимодействия национальной культуры и национального самосознания: Дис. ... канд. филос. наук.–Тошкент: 1994. – С.39.



Миллий ғурурнинг намоён бўлиш шакллари билан халқимиз даҳоси билан яратилган урф–одатлар, қадриятларни ҳурмат қилиш ва улар билан фахрланишда ҳам ифодаланади. Бугун юртимизда инсоний меҳру - оқибат устувор бўлиб турибди. Ёш-у қари баробар келажакка катта умид ва комил ишонч билан қарамокда. Энг асосийси юртимиз тинч ва халқимиз осойишта ҳаётдан мамнун. Миллий анъналаримизнинг тикланиши, урф–одатларимизнинг сайқалланиб бориши, халқимиз маънавий киёфасини янада гўзаллаштириб юбормоқда.

Миллий ғурур ўз миллатининг моддий ва маънавий меросини асраб – авайлаш ва улага ҳурмат билан қарашда яққол ўз ифодасини топади. Бизга маълумки, аждодларимизнинг ўлмас бой маънавий мероси ва панд – насхатлари, бизнинг энг яхши анъналаримиз қайта тикланганда ислохотлар муваффақиятга эришади. Негаки ўқимишли, руҳан бардам ва жисмонан бақувват кишиларгина истиқлол ва тараққиёт йўлида дадил қадам ташлайди.

Бу жараёнда Б.М.Очилова таъкидлашича, «Аждодлар меросини ўрганишда ҳам уни мутлақлаштириш ёки ўтмишга сажда қилишдан сақланиш, маънавий мероснинг кадр–қимматини камситишга йўл қўймаслик, илмий холислик ва меъёрга қатъий риоя қилиш муҳимдир»¹⁵. Кишиларимизда аждодлар меросига қизиқиш уйғотиш лозим. Аждодларимизнинг доимий шиори бўлган поклик, ҳалоллик, виждонлилик, меҳр–оқибат каби олижаноб туйғулар кишиларимизда ўз–ўзидан пайдо бўлиб қолмайди.


Миллий ғурурни ифода этувчи жиҳатлардан бири ўз миллатига бўлган муҳаббатни амалий фаолиятда кўрсата билишдир. Халқимизда бир доно мақол бор. «Одам қилганини –одам қила олади.» Юқорида таъкидлаганимиз каби биз бунёдкор халқнинг авлодларимиз. Халқимиз ҳамма нарсага қодир, қўлидан келмайдиган ишнинг ўзи йўқ. Шу маънода «...жаҳоннинг илғор технологияларини мамлакатимиз ҳаётида жорий этиш, ҳар бир юрагида ўти бор ўғил–қиз ўзининг бор маҳоратини ишга солиб, шу азиз Ватан учун хизмат қилиши лозим. Яратганга шукрим, бугун ўзбекнинг автомобили, автобусидан тортиб самолиётигача бўлган маҳсулотларини жаҳоннинг турли бурчакларида учратиш мумкин. Ўзбек йигитларининг энг мураккаб машиналарни бошқаришни ўрганиб олганини кўриб, гапнинг рости, мен жуда ғурурландим.»¹⁶ Умуман олганда биз яшаётган ва меҳнат қилаётган Ўзбекистон аталмиш макон тинч, одамлари аҳил ва тотув бўлса, ҳар қайси хонадонда ва оилада ўзаро келишиб, мурсою мадора қилиб, бир ёқадан бош чиқариб, иноқ яшасак ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтиш ҳеч гап эмас.

Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди сингари миллатнинг мард ўғлонлари эса жонини сақлашни эмас, ёв босган юртини ҳимоя қилиб, жон таслим беришни афзал кўради. Бу ўзликни англашнинг аниқ ифодаси, юрт, она – Ватан, халқи учун ўзини бағишлаш ҳамдир. Таъкидланганидек, миллий ғурур ва миллий ўз–ўзини англаш мазмун ва моҳият жиҳатдан ўзаро алоқадорликда бўлиб, бир–бирини бойитади, тўлдирди, бири иккинчисисиз мавжуд бўлмайди

Миллатнинг ифтихори ва ғурури, ота–боболари нималарга қодир эканлигини намойиш этиб турган барча тарихий обидалар вайрон ҳолга келтирилди ва умуман эътибордан четда қолиб кетди. Илм даргоҳлари омборхоналарга айлантилди. Истиқлол шарофати билагина халқимиз ўз тарихини одилонга, объектив ва холисона ўрганиш имкониятига эришди. Халқимизнинг қадимий ва бой тарихидан, улғу алломаларимизнинг ҳикматлари ва ҳаётий ўғитларидан, бунёдкор ғояларидан, ҳаёт

¹⁵ Очилова Б.М. Аждодлар меросига ихлосмандлик ва шахс маънавий–ахлоқий камолоти. Фалс. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент: 2005. –Б.2.

¹⁶ Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4–жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 151.



тарзларидан маънавий озуклана бошладик. Шунинг учун ҳам, тарих буюк мураббий, тарбия ва ибрат манбаи дейилади.

«Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида барча давлатлар билан тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилиш, уларнинг ички ишларига аралашмаслик, умуминсоний кадриятларга содиқлик, тинчлик ва хавфсизликни асраб–авайлаш, халқаро ҳуқуқ, меъёрларининг устуворлиги каби тамойилларга амал қилади»¹⁷.

Биринчи Президентимиз И.Каримов айтганидек «Ҳақиқатан ҳам, агарки миллат ўз келажагини кўрмоқчи бўлса, унинг хотираси ҳамиша уйғоқ бўлиши лозим. Чунки халқ, миллат кечаги ҳаётдан, ўзи босиб ўтган оғир ва машаққатли кунлардан, тарих синовларидан керакли хулоса ва сабоқлар чиқармаса, келажакда яна йўлини йўқотиши ва инқирозга дучор бўлиши турган гап».¹⁸ Биз яқин тарихнинг аччиқ қисматини ҳали унутганимизча йўқ ва унутмасак керак. Негаки, бутун тарихдан, жисму–жонидан, ўзлигидан айрилган халқнинг аҳволини тасаввур қилиш қийин эмас. Таассуфки бу давр ҳам тарихимизнинг бир бўлаги ҳисобланади, бундай қора кунларнинг бошимизга тушишидан яратганнинг ўзи асрасин. Бу даврнинг ҳар бир лаҳзасидан ибрат олиб яшаймиз, яна хатога йўл қўйишдан қўрқамиз. Улуғ тарихий хотиранинг ворислари сифатида аждодларимизнинг ишларидан кўнгилларимиз фахр ва ғурурга тўлиб, улуғ мақсадларимиз сари олдинга бораверамиз.


Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов «Миллий ғурур, миллий ифтихор ҳар қандай ишимизнинг пойдевори бўлмоғи керак» деб ёзганида, бу ғояларни миллатимиз учун қанчалик аҳамият касб этишини, ва бу туйғулар шу юртда, шу заминда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаронинг ҳаётига, онгига сингмоғи, ҳар биримиз учун энг катта таянчга, энг катта ишончга айланишини таъкидламоқчи бўлади. Шунингдек, одамлар онгидаги миллий ифтихор туйғуси билан бошқа миллатларнинг тарихи, маданияти ва кадр–қимматини ҳурмат қилиш зарурдир. Чунки, ҳозирги глобаллашув шароитида дунёда рўй бераётган барча ҳодисаларга дахлдорлик ва масъуллиқ ҳиссини вужудга келтириш ва уни доимо мустаҳкамлаб бориш устувор вазифалардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳозирги ўсиб келаётган ёшлардан ва келгуси авлоддан ўз давлати, халқининг тарихини билиши билан бир қаторда, жаҳон тарихи ва маданияти ютуқларини чуқур ўрганиш талаб этилади. Бундай фаолиятнинг барчаси миллатимиз истиқболи учун муҳим ҳисобланади.

Маълумки, ҳар миллат тарихидаги мураккаб ва ҳали очилмаган воқеликларни холис ва ҳаққоний равишда тиклаш миллий ўзликни англаш, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш замонавий адабиётимиз ва санъатимиз ғоят муҳим ўрин тутди. Шу боисдан, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов «Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажагини улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор буюк ёзув–чиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак»¹⁹ деб ёзди. Чунки, бундай шоир ва ижодкорларни тарбиялаш орқали жамият ҳаётини ислоҳ қилиш ва янгилаш орқали миллат ижтимоий–маънавий қиёфасини турли қатламлари янгидан очиш мумкин. Ўз навбатида улар яратган буюк асарлар ўзбек халқи хусусан ёшлар руҳиятини ватанпарварлик, миллий ифтихор, бутун дунё учун бағрикенглик томон кескин ўзгариб боришига замин яратди. Бу эса ўзбек халқи руҳиятидаги муҳим ўзгаришларни юзага келтирди. Бу ўзгаришлар шу қадар ёрқин ва ўзига хоски, у

¹⁷ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – Б. 39.

¹⁸ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13–жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – Б. 292.

¹⁹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.139–140.



глобаллашув шароитидаги интеграциядан асло чўчимайди, аксинча, жаҳон ҳамжамиятининг узвий бир қисмига айланишига ёрдам беради.


Хуллас;

Биринчидан, миллий ўзликни англашнинг теранлашуви, миллий ғоянинг халқ онига сингдириш, маънавий ҳаётда мустаҳкам ўрин олишида миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантириш ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашда муҳим ижтимоий функцияларни амалга оширишга ёрдам беради. Шунингдек, халқимизнинг бой ижтимоий–маънавий мероси, миллий–маънавий кадриятларини ардоқлаш, улардан фахрлана билиш туйғусини шакиллантиришга кўмаклашади. Айнан миллий ўзликни англаш туйғуси фуқороларда ўзига бўлган талабчанлик руҳини сақлаш, ўзига–ўзи танқид қайфияти ва танқидга муроса маданиятини шакллантиришни, шунингдек, жаҳон цивилизациясига унутилмас ҳисса қўшган ва тафаккур осмонида юлдуздек порлаб турган буюк алломалар, ижодкорлар ворислари эканлигини тушунишга ёрдам беради.

Иккинчидан, миллий ўзликни англаш, миллий ғурур, миллий ифтихор туйғусидан фахрланиш, ўз миллати бой тарихидан, маънавий–маърифий меросидан, унинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасидан ғурурланиш салоҳиятини янада оширишга кенг имкониятлар яратади. Ушбу жараёнда асосий ҳаракатлантирувчи куч миллий ғурур зиммасига тушади ва у ўзликни англаш ҳамда ўзликни асрашга хизмат қилади. Зеро, халқимиздаги миллатга мансублик хислати тириклик ва мавжудлик билан боғланиб кетган ва у инсонларимизнинг қон–қонига, тани–жонига сингиб кетган ҳамда маънавият ва маърифатнинг асосий мазмунини ташкил этади

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Баҳранов Ж. Шаҳс миллий ўзлигини англаш қонуниятлари. – Самарқанд: Зарафшон, 1995. – Б. 55.
2. Атамуратов С.А. Национальная культура и национальное самосознание в процессе обновления общества (социально–философский аспект): Автореф. дис. ... док. филос. наук. –Ташкент: 1992. –308 с.
3. Атамуродов С. Глобаллашув ва миллат (сиёсий–фалсафий таҳлил). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – Б.116
4. Қаранг: Қўчқоров В. Миллий ўзликни англаш ва ижтимоий–сиёсий жараёнлар (сиёсий–фалсафий таҳлил). – Тошкент: Академия, 2007. – Б. 154.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. // Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6–жилд.–Тошкент: Ўзбекистон, 1998.– Б. 127
6. Хоназаров Қ. Глобаллашув ва тил фалсафаси. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. –Б. 9.
7. Гельдиева А.Ч. Национальная культура и личность –Тошкент: Ўзбекистон, 1993. – С. 95.
8. Каримов Иброҳим. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт.– Тошкент: Фан, 2001. – Б. 89–90.
9. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 129
10. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 129
11. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б.137.



-
12. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. –Тошкент: Ўзбекистон, – Б. 49.
 13. Ачилдиев А.С. Проблемы взаимодействия национальной культуры и национального самосознания: Дис. ... канд. филос. наук.–Тошкент: 1994. – С.39.
 14. Очилова Б.М. Аждодлар меросига ихлосмандлик ва шахс маънавий–ахлоқий камолоти.
 15. Фалс. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент: 2005. –Б.2.
 16. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4–жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 151.
 17. 16. Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.– Тошкент: Ўзбекистон, 2000.– Б. 39.
 18. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмади. 13–жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – Б. 292.